# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 20 август, № 170 (7400) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратди.

Шу билан бирга, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, кадрлар тайёрлашда аграр соҳа тармоқлари билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ–5708-сон "Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларида малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент давлат аграр университети (кейинги ўринларда — Университет) ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида **инновацион ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, "ақлли қишлоқ хўжалиги"** (Smart agriculture) **ва рақамлаштирилган агротехнологияларни** жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, **юқори унумли ва ресурс тежамкор илғор технологиялар соҳасидаги билимларни шакллантиришга қаратилган вазифаларни акс эттириш**;

**хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида** профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг **малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш**;

илмий-тадқиқот институтлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида **фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш**;

Университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (**extension center)** орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича **"ахборот — маслаҳат маркази — кафедра — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси"** тизимини жорий этиш;

профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва талабаларнинг **инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш**;

ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўтишда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда интерфаол услубларни, шу жумладан, **талабаларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш**;

қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган **академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш**.

2. Қуйидагилар:

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича **"Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ;

**(Давоми 2-бетда).**

# Миллий маҳсулотларимизда ўзлигимиз намоён бўлсин

## Жойларда ўтказилаётган мактаб ярмаркаларида айни шу жиҳатга эътибор қаратилмоқда.

*Бугунги глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурига таҳдид солувчи омиллар кўп. Шулардан энг хавфлиси — "оммавий маданият". Хўш, келажагимиз эгаларини бу каби иллатлардан қандай асраб-авайлаш мумкин? Ягона тўғри йўл — илм-маърифат, Ватанга муҳаббат билан! Энг кучли маънавий иммунитет манбаи ҳам шу аслида. Демак, ҳозирги ҳар бир қадамимиз, хатти-ҳаракатимиз эртанги кун учун пойдевор бўлади. Айниқса, гап фарзандлар камолоти ҳақида кетганда, бу масалада лоқайдлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!*

**Мактаб ярмаркалари**





Ҳоким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Шу кунларда кўпчилик ота-оналарнинг ташвиши битта: янги ўқув йили учун ўғил-қизларига кейим-кечак, ўқув қуроллари харид қилиш. Бозорда эса маҳсулотларнинг хили турфа. Аммо қай бирини танлаган маъқул?

Мутасаддилар ҳам, мутахассислар ҳам, тажрибали юртдошларимиз ҳам бу борада мактаб ярмаркаларини тавсия қилишмоқда. Нега?

Шу каби саволга жавоб топиш учун пойтахтимиздаги "Чорсу" бозорида қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мактаб ярмаркаси томон йўл олдик.

3

**Интервью**

Дэниел РОЗЕНБЛЮМ:

## «Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда улкан ютуқларга эришмоқда»

*Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида "Дунё" АА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дэниел Розенблюм билан мамлакатимизда ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари хусусида суҳбатлашди.*



**— Элчи жаноблари, суҳбатимиз Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг 28 йиллиги кенг байрам қилинадиган шукуҳли кунлар арафасида ўтяпти. Айтингчи, Сиз ушбу байрамнинг аҳамиятини нималарда кўрасиз?**

— Ўзбекистон мустақиллигини нишонлаш менга 4 июль куни байрам қилинадиган Америка Қўшма Штатлари мустақиллигини эслатади. Чунки америкаликлар ҳам худди Ўзбекистон халқи сингари ўз миллий суверенитетини ўта қадрлайди. Эҳтимол, шу боис АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган ва сўнгги 28 йил давомида биз Ўзбекистоннинг ўз йўлини мустақил белгилаш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган, аввало, ён-атрофдаги давлатлар билан яхши қўшничилик сиёсати Ўзбекистон суверенитетини мустаҳкамлади. Давлат раҳбарининг ички ислоҳотлар дастури муваффақиятли амалга оширилса, бу суверенитет янада мустаҳкамланади ва мамлакат порлоқ келажакка эга бўлади.

**— Анъанага мувофиқ, Ўзбекистонда ҳар бир йил аниқ ижтимоий йўналишга бағишланади. Айни пайтда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили Давлат дастури изчил бажарилмоқда. Мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш йўлида қилинаётган ишларга қандай баҳо берасиз? Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларни ислоҳ қилишда қўлга киритилаётган натижалар ҳақидаги фикрларингизни ҳам билдирсангиз.**

— Мамлакат раҳбариятининг ислоҳотлар дастури Ўзбекистонда бизнес юритиш учун шароитларни яхшилаш ва республикани хорижий тадбиркорлар, жумладан, АҚШ инвесторлари учун янада жозибадор қилишга қаратилган. Ислоҳотлар жараёнида АҚШнинг кўплаб компаниялари Ўзбекистонга келишига ишонамиз. Уларнинг сармояси икки мамлакатда ҳам янги иш ўринлари яратишга ёрдам беради.

Шу йилнинг ёзида АҚШ Савдо вазирлиги томонидан сертификатланган савдо миссияси биринчи марта Ўзбекистонга келди. Мазкур ташриф дастурида қатнашган 13 фирма Американинг етакчи компаниялари сирасига киради ва ишонамизки, улар ўзларининг маҳсулотлари ва хизматларини сотиш ҳамда ўзбекистонлик шериклар билан қўшма корхоналар тузиш учун истиқболли имкониятларни белгилаб олди. Ушбу имкониятлар амалдаги сармоя лойиҳаларига айланиши учун Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ваъда қилинган доимий эътибор ва ёрдам сўралади.

2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

2019 йил 19 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисини жорий йил 23 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш, барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги, "Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Сенат аъзолари Олий Мажлис бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмлари жорий этилиши, сайлов, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Шунингдек, сенаторлар Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли, қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли конвенцияларини ва бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам муҳокама қиладилар.

Ялпи мажлисда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил иккинчи чорагидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, ички ишлар ва ташқи ишлар вазирлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ахборотлари, шунингдек, Хоразм вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилади.

Сенат аъзолари бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини ўрганиш натижалари, шунингдек, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳолати ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш тўғрисидаги масалаларни ҳам муҳокама этади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг йигирма биринчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ШАРҲИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Жаслиқ" 19-сон ихтисослаштирилган колониясини тугатиш тўғрисидаги қарорига кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тезкор муносабатлар билдирилиб, эътироф этилмоқда. Келиб тушган маълумотларга кўра, қатор халқаро ташкилотлар, давлат тузилмалари, сиёсий доираларнинг расмий вакиллари, ОАВ мазкур ҳужжатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва унинг қадр-қимматини ҳурмат қилишдаги аҳамиятини таъкидламоқда.

АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллс ўзининг "Твиттер"даги аккаунтида қуйидагиларни ёзиб қолдирди: "Биз Ўзбекистоннинг ёмон ном чиқарган "Жаслиқ" колониясини ёпиш тўғрисидаги эълонини қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини яхшилаш учун ҳали олдинда кўп ишлар турибди, бироқ ушбу зулм масканининг тугатилиши ислоҳотлар йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади".

АҚШ Давлат департаментининг Инсон ҳуқуқлари, демократия ва меҳнат бюроси қуйидагича муносабат билдирди: "Биз "Жаслиқ" колониясини ёпиш тўғрисида эълон қилгани учун Ўзбекистондан миннатдормиз. Инсон ҳуқуқлари жамиятлари бу тўғрисида деярли сўнгги 20 йил давомида сўраб келаётган эди".

БМТнинг Ўзбекистондаги координатори Ҳелена Фрейзер ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарорини қўллаб-қувватлади: "Мазкур жараён доирасида БМТ инсон ҳуқуқлари тамойиллари ва БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов соҳасидаги стандартлар ва нормалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонга ўзининг пенитенциар тизимини ислоҳ қилишда ва қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган санкциялар ва чораларни қўллашда бундан кейин кўмаклашишга тайёр".

Европа Иттифоқининг "Жаслиқ" жазони ўташ колонияси ёпилиши бўйича баёнотида қуйидагилар қайд этилган: "2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилганидек, ҳуқуқ устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига амал қилиниши Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини жадаллаштиришнинг узвий шарти ҳисобланади. Ҳам хорижий, ҳам ички иқтисодий операторларнинг олиб борилаётган ислоҳотларга ишончи ва уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритишга тайёрлиги даражаси мазкур соҳадаги доимий ўсишга боғлиқ. ЕИ муносабатларимизни келажакда янги даражага кўтарувчи воқеаларни қўллаб-қувватлашга тайёр".

Ўзбекистон давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган мамлакат ҳаётининг барча жабҳасидаги ўзгаришларнинг асосий қисми ҳисобланувчи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги изчил ислоҳотларнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинишини ва қўллаб-қувватланишини юқори баҳолайди ва мазкур йўналишда халқаро, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттиришга содиқлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларидаги таълим йўналишлари, мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маъмурий бўйсунишидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича изланишлар олиб бораётган, кадрлар тайёрловчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш.

Белгилансинки, Университет қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори малакали илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

тажриба-синов тариқасида Университетнинг 5411500 — **Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини бакалавриат таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини** босқичма-босқич жорий этиш;

Университетнинг **2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурлари асосида ўқитиладиган махсус гуруҳлар ташкил этиш**. Бунда давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади;

қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг мавсумийлигини инобатга олиб, диссертацияларда икки йиллик илмий-амалий дала тажрибаси натижаларининг қамраб олинишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини **январь ойидан бошлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда таълимнинг кредит тизимида талабалар учун **ҳафтада беш кунлик ўқиш** ҳамда **ҳафтанинг шанба куни мустақил ўзлаштириш куни** деб белгилансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан унинг асосланган таклифлари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Университет ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари ўқув, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-методик ишлардан ташқари вазирлик ҳамда идораларнинг бошқа ишларига жалб этилмайди, шартнома доирасида кўрсатиладиган хизматлар бундан мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Тошкент давлат аграр университети ва Нукус, Андижон, Термиз филиаллари тузилмасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқланишини таъминласин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалини ташкил этиш** бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари негизида олий таълим тизими билан интеграциялашган олий мактаблар ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2020 йил 1 августга қадар олий мактабларни тамомлаган битирувчилар учун бакалавриатнинг 3 йиллик махсус таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Университет ва унинг филиаллари талабаларининг малакавий амалиётлари етакчи корхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги кластерларида сифатли ўтказилишини таъминласин ва мониторингини олиб борсин;

**икки ой муддатда** агросаноат мажмуи таркибидаги корхона, ташкилот ва муассасаларни раҳбар кадрлар билан таъминлаш мақсадида Университетда **"Агробизнес ва бошқарув"** йўналишида захира кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

**бир ой муддатда** Университет ва унинг филиалларида кириш учун белгиланган қабул чегарасидан кам балл тўплаган абитуриентлар учун оширилган тўлов-контракт миқдорини **икки бараварга** камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига таклиф киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, **олий мактабда**:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даражасида кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида кадрлар тайёрланади ва олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциялашган **кичик бакалаврлар** (Associate degree) тайёрлаш бўйича таълим дастурлари амалиётга жорий этилади;

кичик бакалавр (Associate degree) таълим дастурларини тамомлаган битирувчилар **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш синовларисиз суҳбат ўтказиш орқали бакалаврлар тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқиш тугаганидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда Университет ва унинг филиалларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади;

фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, вазирлик, идоралар, йирик иш берувчилар ҳамда буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари ва ўқувчиларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобланади;

якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга давлат намунасидаги диплом ва тегишли касблар бўйича белгиланган тартибда разрядлар берилади;

ўқувчиларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, ташаббускорлар маблағлари ҳисобига Университет ва унинг филиалларида **"Кичик инновацион корхона"ларни тажриба-синов тариқасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин**.

9. Университет:

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида синовдан ўтган тажрибаларни ўрганган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб университетда **раҳбар кадрлар ҳамда профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигининг баҳолаш тизими**ни жорий этсин;

**уч ой муддатда** Университетни **2025 йилга қадар** дунёнинг нуфузли **1000 та** олий таълим муассасалари рўйхати (QS рейтинг тизими)га киритиш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этсин;

**бир ой муддатда** Университет ва унинг филиаллари уставлари тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** университетнинг 5411500 — Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда тажриба-синов тариқасида Агробиология факультети**ни Тошкент давлат аграр университети таркибида мустақил фаолият юритадиган юридик шахс сифатида ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Университет ва унинг филиаллари ҳузурида ташкил этиладиган "Кичик инновацион корхона"лар ўртасида тузиладиган шартноманинг намунавий шаклини ишлаб чиқсин.

10. **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Д. Вахабов зиммасига** — қарордаги вазифаларнинг ижроси ва мониторинги олиб борилишини таъминлаш, маъмурий бўйсунишидан қатъий назар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж. А. Ходжаев, Университет ректори Б. А. Сулаймонов зиммасига** — қарор ижросини бевосита таъминлаш, университетга замонавий таълимнинг кредит тизимини татбиқ этиш, илмий изланишлар натижаларини тижоратлаштириш, фан-таълим ва ишлаб чиқаришни узвий интеграциялаш, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тажриба-синов тариқасида "Кичик инновацион корхона"ларни ташкил этиш;

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж. А. Ходжаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Мажидов зиммасига** — таълимнинг кредит тизимидаги ва Университетнинг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари негизида олий мактаб ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш бўйича жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 19 август

Дэниел РОЗЕНБЛЮМ:

## «Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда улкан ютуқларга эришмоқда»

1

Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар дастурида, масалан, диний эркинлик, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, меҳнат ҳуқуқлари ва суд-ҳуқуқ соҳасида жиддий ютуқларга эришди, шунингдек, иқтисодий соҳада қатор муҳим натижаларни қўлга киритди. Пул-кредит сиёсати, солиқ сиёсати ва бизнесни тартибга солиш шулар сирасидандир. Президент ва ҳукумат аъзолари ҳали олдинда бажарилиши керак бўлган катта ишлар борлигини тан олади. Баъзи ислоҳотлар бўйича ҳаракатлар якунланмаган, бошқалари эса энди бошланмоқда.

Мен турли вазирлар ва бошқа расмий шахслар билан суҳбат жараёнида шуни ҳис этдимки, улар дуч келаётган қийинчиликлар кўламини яхши англайди. Масалан, давлат корхоналарини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бу жуда зарур, аммо айни пайтда жуда мураккаб ва сиёсий таҳликаларни ўз ичига олади. Шу пайтгача бўлган ёндашувда мен юқори баҳолайдиган ҳоллардан бири шуки, мулозимлар муаммоларни аниқлашга, камчиликларни тан олишга ва қийин вазифаларни бажаришга шай. Шунингдек, улар чет эллик ҳамкорлардан ёрдам сўрашга тайёр. Бундай ёндашув давом этади, деб умид қиламан. Америка Қўшма Штатлари, бошқа кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар самарали билим ва тажриба таклиф қилиши мумкин ва ёрдам беришни истайди. Биз шу пайтгача эришилган ютуқларни олқишлаймиз ва ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлашга хайрихоҳмиз.

**— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, вазмин ва салмоқли ташқи сиёсий курсни танлади. Унинг асосини миллий суверенитетни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро сиёсатдаги ролини ошириш каби биринчи даражали вазифалар ташкил қилади. Бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлар янада изчиллик касб этди. Ўзаро алоқалар фаол ривожланаётганини назарда тутган ҳолда, эришилган келишувлар қандай амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили Вашингтонга ташрифи икки томонлама муносабатлардаги муҳим босқич бўлди. Ушбу ташриф якунлари Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликдан ўзаро манфаатдор эканлигимиз ҳамда бутун минтақа барқарор ва фаровон бўлиши умумий мақсадимиз эканини намойиш этди, мамлакатларимиз ўртасида чинакам стратегик шериклик учун замин яратди. Томонлар имзоланган қатор шартномаларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, таълим, энергетика ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олди.

Ушбу келишувларни амалга ошириш борасида эришилган ютуқлардан жуда мамнунмиз. Иккала йўналишда ҳам юқори даражадаги қатор ташрифлар амалга оширилди. Масалан, ўтган йил октябрь ойида савдо вазиримиз Ўзбекистонда бўлди, ўтган ой Ўзбекистон мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари АҚШга ташриф буюрди. Шуниси муҳимки, биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий савдо-сотиқ ва энергетика алоқаларини ривожлантириш каби кўплаб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз.

**— Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари қандай бўлади, деган фикрдасиз?**

— Муносабатларимиз истиқболлари жуда ёрқин. Элчи сифатида менинг устувор вазифаларимдан бири, бу — Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари фуқаролари ўртасидаги муносабатларни рағбатлантиришдир. Бу ишбилармонлар, талабалар, ўқитувчилар, олимлар, санъаткорлар ва оддий фуқаролар ўртасидаги алмашинув ва туризм орқали алоқаларни ривожлантиришни англатади. Оддий кишилар ўртасидаги муносабатлар қанчалик мустаҳкам бўлса, ўзаро ҳамкорлигимиз ҳам шунчалик равнақ топади.

**— Яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни олдидан Ўзбекистон халқига тилакларингиз.**

— Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.

**«Дунё» АА.**

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШГА НИМАЛАР ТЎСҚИНЛИК ҚИЛЯПТИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан USAIDнинг Марказий Осиёда рақобатбардошлик, савдо ва иш ўринлари яратиш лойиҳаси (CTJ) доирасида "Инвестицияларга тўсиқ бўлаётган омиллар: тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари йўлидаги институционал чекловлар" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

### Ҳамкорлик

Тадбирда юртимизда бу борада қилинаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишга қаратилган галдаги вазифалар муҳокама этилди. Соҳага оид аниқ рақамлар келтирилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестиция ўзлаштирилди. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 2,7 баробар, халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши 3,7 баробар ўсган бўлса, инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди. Олдинги йилларда бу кўрсаткич 25 фоизга ҳам етмасди.

Аммо мамлакатимизнинг саноатлашган давлат сифатидаги мақоми иқтисодиётни замонавий технологик асосда модернизация қилишни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий инвестицияларнинг катта оқимларини таъминлашни талаб қилади. Бугун иқтисодиётимизга жалб қилинаётган чет эл сармоялари ҳажмини кўпайтириш учун, аввало, инвестиция муҳитини дунё миқёсида белгиланган стандартлар даражасига олиб чиқиш лозим. Шу билан бирга, инвестициялар оқимига тўсиқ бўлаётган омиллар, уларни аниқлаш, бартараф қилиш йўлларини топиш долзарб аҳамият касб этади. Бинобарин, тўғридан-тўғри инвестициялар мамлакатимиз учун ташқи молиялаштиришнинг муҳим манбаига айлангани, бу инновацион технологияларни татбиқ қилиш ва бошқарувни яхшилаш нуқтаи назаридан катта иқтисодий таъсирга эга эканлиги мутахассислар томонидан алоҳида қайд этилди.

Бу борада соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, ундаги мулкдан, ердан фойдаланишга чекловларни бартараф қилиш, тижорий низоларни кўриб чиқишда шаффофликни таъминлаш масалалари амалий мисоллар асосида муҳокама қилинди. Ечимини кутаётган муаммолар қаторида молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти чеклангани, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги ва ҳудудларда тегишли инфратузилманинг етарли даражада ривожланмагани ҳам айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, рақобат шароитини мустаҳкамлаш механизмларини такомиллаштириш борасида аниқ таклифлар билдирилди.

### Сўз — анжуман иштирокчиларига



**Гари РОББИНС, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг (USAID) Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори:**

— Ўзбекистон ҳукумати мамлакатга инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан жиддий ва муҳим қадамларни қўйди. Натижада мамлакатга киритилаётган инвестициялар оқими кучайиб, хусусий сектор ривожлантирилмоқда. Иқтисодиётни либераллаштириш, бюджет шаффофлигини ошириш, солиқ ставкаларини пасайтириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар самараларини бугун биз аниқ мисолларда, рақамларда кўриб турибмиз. Ўз навбатида, USAID бу борада Ўзбекистонни, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Муҳими, мамлакатингиз ички ва ташқи инвестициялар иқтисодий ривожланиш учун муҳимлигини англаган ҳолда, очиқ ташқи сиёсат юритяпти. Бу эса, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.



**Алишер КУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:**

— Ўзбекистоннинг инвестицион муҳитини қандай қилиб янада яхшилашимиз мумкин? Бу — халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва уни тўғри қўллашни талаб қиладиган мураккаб ҳамда узоқ давом этадиган жараён. Хорижий инвесторни олиб келиш, уни юртимизга пул сарфлашига, фойда олишига ишонтириш — осон иш эмас ва Ҳукумат бу борада барча имкониятини ишга солмоқда. Чунки ҳар бир мамлакат ўзининг ноёб имкониятлари ва ўзига хосликларига эга. Мамлакатимизда иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича жуда кўп ишлар қилиняпти. Шу сабабли, халқаро тажрибанинг энг муваффақиятли ва синовдан ўтган томонларини бизнинг шароитимизда қўллаш жуда муҳимдир.

Олий Мажлис Сенати жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича вазиятни ўрганмоқда. Тадбир давомида мана шу парламент назорати асосидаги кузатувларимиз ва ўрганишларимизнинг натижалари ҳам тақдим этилди. Айтиш лозимки, жойларда инвестицияларни жалб қилишда, асосан, институционал тўсиқлар мавжуд. Яъни соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, кадрлар масаласи ва инвестицион жозибадорликка таъсир этувчи бошқа камчиликлар аста-секин бартараф этилмоқда. Яқин вақтгача мамлакатимиз ёпиқ эди, эндиликда вазият ўзгарган. Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқаётганлигидан далолат берувчи Жаҳон савдо ташкилотига кириш масаласини муҳокама қилмоқдамиз. Давра суҳбати якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар келгусида юртимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича самарали қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга кўмаклашади.



**Давид ЛЕЖАВА, «PMCG» консалтинг агентлигининг департамент директори (Грузия):**

— Грузияда иқтисодий ва биринчи навбатда, инвестициявий ислоҳотларнинг асосий стратегияси — иқтисодиётни либераллаштириш, соҳадаги коррупцияни камайтириш ва эркин бозор тамойилини жорий этишга қаратилган.

Анжуманда бу йўналишда Ўзбекистонда мавжуд муаммолар таҳлил этилар экан, хорижий инвесторлар коррупция, маҳаллийчилик ва бюрократия илдиз отган мамлакатларга сармоя киритишга мойил эмасликлари, чунки бундай ҳолатда вазиятни аввалдан бир неча йилга прогноз қилиб бўлмаслиги, қолаверса, бизнес юритишга кўп харажат сарфланиши ҳақида фикр юритилди.

Шу мақсадда бизнинг мамлакатимиз ҳам ўз иқтисодиётини ислоҳ этишга қарор қилган ва бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Тадбирда иштирокчиларни Грузия тажрибаси билан таништирдим. Бугун биз Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш бўйича ислоҳотлар олиб бораётганини ва яқин келажакда яхши натижаларга эришишини кўрмоқдамиз.

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ, Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

# Мактабгача таълим тизими

## Унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш жуда муҳим.

*Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнининг дастлабки бўғини — мактабгача таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, 2019 йилда мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичини 44 фоизга етказиш белгиланган. Жорий йилнинг олти ойида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш кўрсаткичи 40,5 фоизни ташкил этди.*

### Янги қонун лойиҳаси

Ҳозирги кунда фаолият юритаётган 9774 та мактабгача таълим муассасасининг 5832 таси давлат, 3942 таси нодавлат мактабгача таълим муассасасидир. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 753 таси хусусий, 419 таси давлат-шериклиги асосидаги ҳамда 2770 таси оилавий мактабгача таълим муассасалари саналади.

Таъкидлаш жоиз, мактабгача таълим тизимининг ташкилий-бошқарув асослари ва фаолияти билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш мақсадида 72 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Албатта, соҳанинг кенгайиб бориши, мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бериши, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш, илғор хорижий тажрибалар асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш бўйича қўйилаётган талаблар тизимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Президентимизнинг 2018 йил 30 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурида соҳани тартибга солишни назарда тутувчи қонун қабул қилиниши белгилаб берилган эди. Айни кунларда дастур ижроси доирасида ишлаб чиқилган "Мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим бериш ва тарбиялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасида муҳокамалардан ўтказилмоқда.

Аввало, эътибор қаратиш лозимки, қонун лойиҳасида ташкилот тушунчаси келтирилган. Бу, албатта, таълим даргоҳларини турли мулк шаклларида ташкил этиш имкониятларини яратади. Бу жараён мамлакатимизда бошланиб кетган. Ҳеч бир иш мақсадсиз бўлмаганидек, лойиҳада унинг мақсади аниқ мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, тарбиялаш, ғамхўрлик кўрсатиш, таълим бериш билан боғлиқ муносабатлар қонун даражасида тартибга солиняпти.

Ҳужжатда мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишини таъминлашнинг асосий принциплари белгилаб берилмоқда. Мактабгача ёшдаги ҳар бир бола билан шуғулланадиган таълим-тарбия маскани ўз фаолиятида мана шу принципларга амал қилиши лойиҳада ўз аксини топяпти. Шунингдек, мактабгача таълимнинг давлат кафолатлари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан яна бири, бу — мактабгача ёшдаги болаларнинг эрта ривожланиш жараёни алоҳида босқичларга бўлинганидир. Шу асосда болаларни тарбиялаш ва уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда боланинг мактабгача таълим олиши белгилаб қўйилмоқда. Мактабгача таълим ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятларига алоҳида ўрин берилган. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, давлат мактабгача таълим стандарти мазмуни масалалари ҳам қонун лойиҳаси нормаларида ўз ифодасини топган.

Қолаверса, унда мактабгача таълим ташкилотини ташкил этишнинг мажбурий тартиби таклиф қилинмоқда. У қандай мулк шаклида ташкил этилишидан қатъи назар, ўз фаолиятида мазкур тартибнинг талабларига жавоб бериши зарур. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотини лицензиялаш, аккредитациядан ўтказиш тартиблари ҳам алоҳида моддаларда берилган. Бу борада ваколатли ва назорат қилувчи органларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам эътиборга олингани муҳим ҳисобланади.

Умуман айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришда, таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

**Ўрол ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш

## соғлом авлод тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга

*Халқимиз учун мустақилликнинг 28 йили юксак марралар, дунё миқёсида қўлга киритилган улкан ютуқлар даври бўлди. Бу натижалар мамлакатнинг барча жабҳасида — сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ижтимоий ва маданий соҳаларида кўзга яққол ташланмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар самаралари халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Бу, албатта, барчамизга фахр бағишлайди.*

### Сенатор минбари

Айниқса, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш долзарб вазифа қилиб қўйилгани диққатга сазовор. Уни тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида давлатимиз раҳбари 2018 йил 5 мартда "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни имзолади. Мен ўзим шу соҳа мутахассиси, қолаверса, Сенат аъзоси бўлганим боис ушбу ҳужжатнинг моҳияти ва аҳамиятини теран англайман.

Чунки мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спортчиларнинг жаҳон ареналарида Ўзбекистон байроғини юқори кўтариши, жонажон Ватанимиз шаънини улуғлашини таъминлаш ижросини спортни аҳолининг кенг қатламлари орасида оммалаштиришдан бошламоқ лозим. Мазкур Фармон айни шу масалага қаратилгани билан муҳим ва тарихийдир.

Фармонга асосан, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, соҳани ривожлантиришга фойдаси тегадиган бир қатор тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди. Фидойи тренерлар, фахрий спортчилар ва иқтидорли атлетлар меҳнати муносиб тақдирланадиган бўлди. "Ўзбекистонда Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими" фахрий унвони таъсис этилди. Буларнинг барчаси соҳа вакилларини юксак натижага эришиш сари илҳомлантириб келмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда жисмоний тарбия ва спортга фарзандларимизнинг соғлиғи кафолати сифатида эътибор қаратилаётганини шу йил март ойида пойтахтимизда "Ҳумо арена" замонавий муз саройининг ишга туширилишидан ҳам билса бўлади. Бу йилги Наврўз умумхалқ байрами тантаналари ўз бағрига 12 минг нафар томошабинни сиғдира оладиган ушбу ажойиб мажмуада ўтказилгани ҳам қувонарлидир.

Соҳага кўрсатилаётган эътиборга оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг иккинчиси айнан ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш экани ҳам бежиз эмас. Ушбу тамойил илгари қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг мантиқий давоми бўлди. Беш муҳим ташаббус ижроси бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўлкамизнинг энг чекка қишлоқ ва маҳалласида, ўқув юртларида беш ташаббус ижроси бўйича спорт тўгараги, турнир ва мусобақалар ташкил этиляпти. Иқтидорли спортчиларга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Мазкур эзгу тамойил бутун республика бўйлаб кенг қулоч ёйди ва ёшларимиз камолотига хизмат қилмоқда.

Умуман айтганда, Ўзбекистон сўнгги йилларда олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат туфайли халқимиз турмуш даражаси тобора яхшиланиб, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ошмоқда. Бундан биз чексиз ғурурланамиз ва янги, улкан марралар сари дадил қадам ташлашда давом этамиз.

**Рустам МАЖИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

### Семинар

*Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда қорамолнинг 94 фоизи аҳоли хонадонларида боқилади. Шу боис чорвачиликда сифатли озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тармоққа инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш айни муддаодир.*

# Мамлакатимизда Жанубий Корея технологияси асосида «мармар» гўшт етиштирилади



Кеча Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Жанубий Кореянинг — KOPIA (Korea Program on International Agriculture) маркази томонидан Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги "Ниёзбоши" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги хонадонда чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳамкорликда амалга оширилаётган замонавий технологияга бағишлаб ташкил этилган семинарда шулар хусусида сўз юритилди.

— Тадбирнинг хонадонда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди марказ директори, Тошкент давлат аграр университети фахрий профессори Ан Хи Сунг. — Чунки лойиҳанинг ўзи хонадонларда қорамол боқиш орқали юқори сифатли гўшт етиштиришга қаратилган. Ўзбекистонда 2009 йилда иш бошлаганмиз. Шу давр ичида бир қатор лойиҳаларни йўлга қўйган бўлсак, хонадонларда "мармар" гўшт етиштириш лойиҳаси энг асосийларидан бири ҳисобланади. Чунки юртингиз қишлоқларидаги деярли барча хонадонда чорва моллари мавжуд.

Мазкур лойиҳа икки йилга мўлжалланган бўлиб, бу йил ниҳоясига етказилади. Шу кунгача ҳар бир вилоятдан 30 та хонадонга 3 бошдан қорамол олиб берилди. Икки йил давомида улар Жанубий Корея технологияси асосида махсус рацион билан боқилиб, доимий назоратда бўлади. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли орасида "мармар" гўшт етиштириш технологиясини тарғиб қилишдир.

Биламиз, ҳозирги кунда одамлар орасида энг кўп муҳокама бўлаётган мавзулардан бири гўшт нархи ошиб кетаётгани билан боғлиқ. Шундай экан, лойиҳа бу борада қанчалик аҳамиятга эга?

— Мақсад ҳам шу — маҳсулдорликни ошириш, — дейди Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти директори Аъзамжон Нурматов. — Чунки қорамолларнинг асосий қисми аҳоли қўлида. Яъни бозорга гўшт етказиб берувчилар улар. Шундай экан, одамлар қарамоғидаги чорва моллари маҳсулдорлиги оширилса, бу ўз-ўзидан гўшт нархига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу лойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати, қорамоллар четдан олиб келинмайди. Маҳаллий зотлар маҳаллий шароитда 20 ой давомида парваришланади. Қолаверса, бу орқали озуқалардан самарали фойдаланилади ва ҳеч қандай чиқит чиқарилмайди. Ниманинг эвазига? Гап шундаки, дастлаб молларга бериладиган озуқанинг барчаси аралаштирилади. Кейинчалик у иссиқ об-ҳаво шароитида бир кун, қиш ойларида эса тўрт-беш кунгача димлаб қўйилади. Шунда унинг таркибидаги фойдали моддалар сақланиб қолади ва у кунига икки маҳал бериб борилади.

Оддий усулда боқилган қорамолнинг тирик вазни ўртача 300 килограммни ташкил қилса, бу усулда улар вазнини 450 — 500 килограммгача етказиш мумкин. Айни пайтда республикамизда 13 миллионга яқин қорамоллар борлигини инобатга олсак, мазкур лойиҳа ҳам мамлакатимизда етиштирилаётган гўшт маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Семинарда Тошкент вилоятида шу усулда қорамол боқаётган хонадон соҳиблари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### БИЗ ва ЖАҲОН

*Деҳли шаҳрида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ҳиндистон халқаро савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги палатаси томонидан "Ҳиндистон — Марказий Осиё: савдо-иқтисодий муносабатлар, юксалиш ва фаровонлик сари" мавзуида форум ўтказилди.*

# ДЕҲЛИДА ЮРТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонаси вакилларидан иборат делегация қатнашди.

Тадбир давомида Ўзбекистоннинг бугунги инвестициявий жозибаси, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хорижий инвесторлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган тақдимот маросими ташкил қилинди.

— Форумда Ўзбекистондаги хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотлар палатамиз аъзоларида катта қизиқиш уйғотди, — дейди Ҳиндистон халқаро савдо-саноат ва қишлоқ хўжалиги палатаси маслаҳатчиси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Сканд Таял. — Хусусан, мамлакатнинг қисқа муддатларда "Doing Business" халқаро рейтингида юқори поғоналарга кўтарилишга эришгани олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасини яққол ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатлар янги босқичга кўтарилганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугунги тадбир ҳам икки мамлакат бизнес доиралари вакиллари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янада кенгайишига хизмат қилишига ишонамиз.

"B2B" форматидаги мулоқотда Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг тиббиёт, фармацевтика, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа турли йўналишларга ихтисослаштирилган компания вакиллари ўртасида музокаралар ўтказилди ва бирламчи келишувларга эришилди.

**«Дунё» АА.**
Деҳли

# Миллий маҳсулотларимизда ўзлигимиз намоён бўлсин

## Жойларда ўтказилаётган мактаб ярмаркаларида айни шу жиҳатга эътибор қаратилмоқда.

←1

Расталарга кўз ташлаймиз: турли дафтарлар, кундалик ва расм дафтарлари, ранг-баранг ручкалар, хилма-хил портфеллар, чизғич, циркуль, акварель бўёқлари, рангли қаламлар, фломастер, бархат ва ватман қоғозлари, ўчирғич, пластилин, елим, рангли қоғозлар, қалам йўнғич, трикотаж матолардан тикилган мактаб формалари, спорт кийимлари... Уларнинг аксарияти миллий брендимиз туширилган, замон талаблари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар.

Ўқувчи мактаб партасида энг кўп қай бир воситага кўзи тушади? Табиийки, дафтарларга. Мактаб ярмаркасидаги дафтарларнинг материали жаҳон стандартлари даражасида: пишиқ, варақлари оппоқ ва силлиқ. Муқовалари Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Зулфия каби улуғ аллома ва адибларимизнинг расмлари, шеър ва ҳикматли сўзлари, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи турли суратлар билан безатилган.

— Авваллари мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дафтарлар жилдида чет эл эстрада санъаткорларининг турли муқомдаги суратлари, ҳар хил ахлоқий бузуқликни тарғиб қилувчи фильмлардан лавҳалар ўз аксини топганди, — дейди набирасини етаклаган отахон. — Улар оқу қоранинг моҳиятини тўлиқ идрок этмаган ғўр ёшларни чалғитишга, ўғил-қизларимизнинг маънавий дунёсини барбод қилишга ҳисса қўшарди. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган мана бу дафтарлар эса миллий манфаатларимизга мос, ёшларда эзгу қадриятларни шакллантиришга хизмат қилади.

Кенг ва очиқ ҳудудда ташкил қилинган, расталари тартиб билан жойлаштирилган ярмарка ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум.

— Қизим Сабринага ўқув қуроллари ва бошқа зарур маҳсулотлар сотиб олиш учун бу ерга келдик, — дейди Феруза Бекназарова. — Қизимнинг қувончи ичига сиғмаяпти. Бу ҳолат менга ҳам бегона эмас. Болалигимда ҳар янги ўқув йили олдидан дадам билан бирга қишлоғимиздан анча олисда жойлашган шаҳарга отланардик. Гавжум бозорда ўзимиз истаган товарларни топиб, харид қилгунимизча кўп машаққат чекардик. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Мактабда ўқиш бошланишига бир неча кун қолганида дадам мени шаҳарга етаклади. Бозорни тушгача айланиб, зарур буюмларни харид қилдик. Расм ва ёзув дафтарлари, ручка ва рангли қаламларимни янги сотиб олинган сумкамга жойлаб олдим. Уйга келибоқ онамга янги кийим-кечагу ўқув қуролларимни бирма-бир намойиш қила бошладим. Не кўз билан кўрайки, иссиқдан сумкадаги ручкаларнинг бўёғи тошиб, дафтарларни ярокқсиз ҳолга келтирибди. Сумканинг ҳам бўёғи ювилиб, тозалангач, янгилигидан асар қолмади. Жуда хафа бўлдим. Онам бундай сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарган "тадбиркорлар"ни койиди. Дадамнинг ҳам жаҳли чиқди. Ахир олисдаги шаҳарга бориб-келишнинг ўзи бўлмасди-да...

Шукрки, бугун бу каби дилхираликлар ўтмишда қолди.

Бугун мактаб ярмаркаларига мутасадди ташкилотлар томонидан текширилиб, белгиланган қатъий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ва махсус сертификат олган маҳсулотлар сотувга чиқарилаётгани қувонарлидир. Чунки ҳар томонлама сифатли ўқув қуроллари ўқувчининг дидини ўстириб, билим олишга бўлган рағбатини оширади.

— Мактаб ярмаркалари ташкил қилинганидан узоғимиз яқин, оғиримиз енгил бўлди, — дейди Дилфуза Асатуллаева. — Уйимиз яқинидаги ушбу бозорда фарзандларим учун барча зарур ўқув қуроллари ва кийим-кечакларни харид қилдим. Олган буюмларимизнинг сифати ҳам, нархи ҳам бизга маъқул. Энг муҳими, бозор айланиб маҳсулот излаб юрмадик. Ҳаммаси шу ерда муҳайё экан.

Мактаб ярмаркалари жорий йилнинг 10 сентябрига қадар давом этади.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ**
**МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК**
**онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномага асосан, **http://www.e-auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 17 сентябрда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | УАЗ 31512 | 1995 йил | 01 227 DCA | 0103129 |
| 2. | УАЗ 31512-10 | 1996 йил | 01 734 ZAA | 0103130 |
| 3. | УАЗ 31512 | 1990 йил | 01 829 ZAA | 0103260 |
| 4. | УАЗ 31514-10 | 1996 йил | 01 859 ZAA | 0103261 |
| 5. | УАЗ 31512 | 1992 йил | 01 912 ZAA | 0103241 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-«А» уй.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

675J/465

ЭЪЛОНЛАР



# Ўзбек миллий рақси

## АМЕРИКАЛИКЛАРНИ ҲАМ МАФТУН ҚИЛМОҚДА

*Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси томонидан Вашингтонда ўзбек рақс санъатини ўрганиш бўйича уч кунлик дастур ташкил этилди. Унда 10 та штатдан ўзбек халқи тарихи, маданияти ва кўп асрлик қадриятларига қизиқувчи йигирмага яқин тингловчилар қатнашди.*

*Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова мамлакатимиз дипмиссияси кўмагида маҳорат дарсларини ўтиш учун океанортига борди. У америкалик ёш хореографларга миллий рақс санъати нафислиги ва анъанавий турларининг ўзига хосликларини намойиш қилди.*



**Санъат**

— АҚШга илк бор 1979 йилда Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари ўртасидаги биродарлашув муносабатларининг бир йиллигини нишонлаш тантаналарида иштирок этиш учун келгандим, — дейди Қизлархон Дўстмуҳамедова. — Ўшанда “Муножот” рақсига ошуфта бўлиб, уни ўрганишни бошлаган америкалик Лаурель Грей билан танишиб қолганман. Рақсларимиз маъно-мазмунини ўрганар экан, унда ўзбек халқи тарихи, маданияти ва санъатига ҳам катта қизиқиш уйғонган. Ўшандан буён биз ўзбек халқи миллий рақсларини Америкада тарғиб қилиш, оммалаштириш бўйича мунтазам қўшма лойиҳаларни ташкил этиб келяпмиз.

АҚШда “Тановар” ва “Буюк Ипак йўли” ансамбллари тузилди. Улар бизнинг мумтоз санъатимизга жуда қизиқишади. Шунинг учун ҳар доим келиб, ўргатишимни мендан сўрашади. Рақс орқали мамлакатимиз бой тарихи ҳақида сўзлаб берамиз. Маҳаллий аҳоли вакиллари халқимизнинг кўп асрлик урф-одатларига ҳурмат билан қарашади.

Глобаллашувнинг ҳозирги даврида кўп нарсалар бир хил шаклга кириб боряпти, фарқлар йўқолмоқда, ҳамма нарса аралашиб кетаётир. Бугун одамлар ноёб ва ўзига хос нарсаларни излашяпти. Нафис санъатни ўрганишга бўлган иштиёқ кучаймоқда. Шубҳасиз, ўзбек рақси ўзининг шарқона жозибаси, латофати билан ажралиб туради, қадимги анъаналарни ўзида сақлаб келади. Америкалик хотин-қизларни рақсимиздаги ҳар бир ўзбек аёлига хос бўлган ҳис-туйғулар ва самимият ўзига жалб этади.

Умуман олганда, АҚШда ўзбек санъатига бўлган қизиқиш ўсиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради. Улар бизнинг рақсларимизни ўрганишяпти, миллий либосларимизни кийишмоқда, ўз муассасаларида чиқишлар қилаётир, яъни ўзбек брендини илгари суришяпти. Моҳиятан, бу халқ дипломатиясидир. Биз кўҳна қадриятларимизни асраб-авайлашимиз ва бутун дунёда илгари суришимиз керак.

Ўзбекистонлик устоз раҳбарлигидаги уч кунлик тренинглар дастури жуда бой ва фойдали бўлганини ушбу лойиҳа иштирокчилари ҳам эътироф этишди.

Улардан бири, ўзининг хореографик истеъдоди ва рақсларга бўлган муҳаббати билан ажралиб турган Голливуд актрисаси Гвенифар Рейган Жеймс эди.

— 16 йилдан буён “Silk Road Dance Company”да ишлаб келаман, — дейди Жеймс. — Қизлархон Дўстмуҳамедовадан дарс олиш мен учун катта шарафдир. Унинг санъатини кўриб, ўзбек рақсларига ошуфта бўлдим. Миллий рақсингиз мен ўз ҳаётим давомида кўрганлар ичида энг нозиги, гўзали ва нафосатлисидир. У менинг қалбим қаъридан қай даражада чуқур жой олганини сўз билан ифодалаб бера олмайман. Ушбу дастурда қатнашиш имкониятини беришгани учун миннатдорман. Катта раҳмат!

Ўзбек рақс санъати кўргазмали чиқиши учун концерт уюштирилди. Унда америкалик ижрочилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Кечада Вашингтондаги сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар доира вакиллари ҳам қатнашди.

Раққосалар ўз чиқишларида Қундуз Миркаримова, Рушана Султонова, Исахор Оқилов каби ўзбек рақс мактабининг таниқли устозлари хореографияларидан фойдаланишди. Ранг-баранг миллий либосларда “Муножот”, “Мустаҳзод”, “Дилҳирож”, “Самарқанд ушшоғи”, “Дарё тошқин” каби асарлар ижро этилди.

Қизлархон Дўстмуҳамедова томонидан ижро қилинган “Тановар” рақси тадбирнинг ўзига хос безаги бўлди.

Дастур доирасида ўзбек халқ рақс санъати, шунингдек, юртимиз маданияти ва урф-одатларининг тарихий илдизлари ҳамда ўзига хосликлари бўйича маъруза дарслари ҳам ўтказилди. Улар амалий машғулотларни сифатли тўлдиришга хизмат қилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, хореография элементларида ўзбек халқи ҳаёт тарзини акс эттиришга алоҳида аҳамият берилди. Ушбу тақдимотлар Ўзбекистон билан илк бор танишаётган ёш иштирокчилар учун, айниқса, жуда фойдали бўлди.

Америкада анъанавий рақсларимиз бўйича муаллим, Жорж Вашингтон номидаги университет профессори Лаурель Грей ҳам ўзининг назарий билимлари ва амалий тажрибаси билан ўртоқлашди.

Америкалик олима Ўзбекистонга 14 маротаба ташриф буюрган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри таклифига биноан юртимизда икки йил яшаган ва телевизион рақс дастурларида ўндан ортиқ чиқишлар қилган. 2018 йилда “Рақс сеҳри”, 1997 йилда “Шарқ тароналари”, 1993 йилда Ўзбекистон қўғирчоқ театри каби фестивалларда ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлган. АҚШдаги дипломатик ваколатхонамиз билан ҳамкорликда Л. Грей ўзбек халқи маданияти, санъати ва қадриятларини тарғиб қилишга қаратилган турли тадбирларни мунтазам ташкил этиб келяпти.

— Марказий Осиё мамлакатлари рақсларини ўрганиш бўйича мазкур дастур ҳисоб бўйича ўн олтинчисидир, — деди у. — Бу гал тадбир ўзига хос жиҳати билан ажралиб турди. Миллий кўргазмавий белгилар, санъат буюмлари, миллий матолар, деворлардаги сўзаналар АҚШ пойтахтида ҳақиқий ўзбекона муҳитни пайдо қилди. Қачонки сиз рақс тушишни ўргансангиз, нафақат ҳаракатлар ёки алоҳида жиҳатларни ўзлаштирасиз, балки ўша мамлакатга хос янги маданият, одамлар турмуш тарзи, қадриятларини ўзингиз учун кашф этасиз. Жаҳон ҳамжамияти, айниқса, Ғарб дунёси учун ўзбек рақси янги, аммо жуда қизиқарли ва жозибалидир. Биз АҚШнинг турли бурчакларидан диёрингиз санъатини ўзлаштиришга катта қизиқиш билан қараётган қизларни йиғдик. Шахсан мен ўзбек миллий рақсини янада кенг ёйишни истайман.

**С. МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи»)**
**тайёрлади.**

# Ёқилғи сарфламасдан қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда

*2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида 2025 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш улушини 20 фоиздан ошириш кўзда тутилган.*

**Изланиш**

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда электр энергиясининг асосий қисми (90 фоизга яқин) иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, ушбу станцияларда ёқилғи сифатида, асосан, табиий газ ҳамда қисман кўмир ишлатилади ва улардан чиқаётган ис гази атмосферани ифлослантирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, энергетикларни муқобил энергия манбаларини излашга ундайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги вақтда фақат газ узатиш тармоғи объектларининг ўзида иккиламчи энергия ресурсларидан электр энергия олиш потенциали 600 МВтдан ортиқ миқдорни ташкил этади. Умуман, иссиқликни утилизация қилишнинг жорий этилиши, шунингдек, факел (машъала) газларидан унумли фойдаланиш орқали табиий газ ёқилғисини сарф этмасдан, йилига қўшимча 3,8 миллиард кВт/соат миқдорида электр энергиясини ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бу тахминан йилига 1,14 миллиард $м^3$ табиий газни тежаш ва 1,6 миллион тонна карбонат ангидрид атроф-муҳитга зарар етказишининг олдини олишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

# Маҳаллаларнинг китобхон раислари

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган “Маҳалла раислари ўртасида шеърхонлик танлови”нинг туман ва ҳудудий босқичлари ўтказилди.*

**Танлов**

— Танлов қуйи босқичларининг ўзиёқ адабиётга меҳрли, тарихи буюк ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан, илм-фан, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аллома, адиб ва шоирлар маънавий мероси, ижодий фаолияти ва ибратли ҳаётидан яхши хабардор маҳалла раислари кўплигини кўрсатди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг ўринбосари Дилшода Мирзажонова. — Биринчи шарт бўйича улар ўзбек мумтоз адабиётини қанчалик билишини кўрсатишган бўлса, ифодали ўқиш шартида замонавий ўзбек шеърияти ёки жаҳон шеърияти дурдоналаридан намуналар ўқишди. Ижодкор раисларимиз ўз асарларини тақдим этдилар.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Ижодга эҳтиром

*Гулистондаги “Билимдонлар маскани”да мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган, “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” ғоясини ўзида мужассам этган “Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

**«Энг улуғ, энг азиз»**

Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси маълумотига кўра, танловга 71 нафар муаллифнинг жами 1149 та ижодий иши тақдим этилган. Эътиборлиси, бу йилги ижодий ишларда босма ОАВ материаллари, бадиий ҳамда тасвирий санъат асарлари қаторида ОАВ сифатида давлат рўйхатига олинган веб-сайтлар, телеграм каналларида эълон қилинган хабар ва мақолалар сони ҳам ортганлиги кузатилди.



Танлов ҳайъатининг хулосасига асосан, бадиий адабиёт номинациясида Гулистон давлат университети талабаси Рашид Хўжамов биринчи ўринни эгаллади. Босма ОАВ ходимларидан ҳар бир ўринга иккитадан ғолиб сараланди. Унда “Сирдарё ҳақиқати” газетасининг бўлим мудири Мамадали Аҳмедов ҳамда “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг вилоят бўйича мухбири Бозорбой Бекмуродов эътироф этилди. Интернет журналистикаси номинациясида эса “Халқ сўзи” газетасининг вилоят бўйича мухбири Аҳмадали Шерназаров ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, телерадио, тасвирий санъат ва бошқа номинациялар иштирокчилари ҳам муносиб тақдирланди.

Айтиш лозимки, бадиий адабиёт номинацияси совриндорлари орасида Сардоба туманилик биринчи гуруҳ ногирони Насиба Абдураҳимова ҳам бор.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**«Халқ сўзи».**

**Маънавият**

*Қашқадарёда “Ёш китобхон” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

## Мутолаа қилганга мукофот

Мазкур танлов ёш авлод ўртасида мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Якуний натижаларга кўра, 10 — 14 ёш тоифасида 1-ўринни Ғузор туманидаги 61-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилдора Поёнова қўлга киритди. Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Дилнаво Собирова ҳамда Қарши туманидаги 26-умумтаълим мактаб ўқувчиси Азиза Наимова эса иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлишди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 41 000 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 45 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 70 000 сўм/п.м.
ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 53 000 сўм/п.м.
• RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 57 000 сўм/п.м.
Маҳсулотлар сертификатланган.
Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99
437R/295

РЕКЛАМА
«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:
Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).
Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.
VOLVO махсус қурилиш техникалари
Ғилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)
фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.
Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.
Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» КФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz
416Ј/
Маҳсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6